

Саидахмадхон ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ФАХРУЛ ИСЛОМ ПАЗДАВИЙ ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Жаҳон илм-фани учун Мовароуннахрда фаолият олиб борган олимлар, улар жумласидан фақиҳларнинг меросини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга¹. Чунки, мовароуннахрлик фақиҳлар ислом оламнинг бошқа минтақаларида ҳам тан олинган ва улар томонидан ёзилган фикҳий асарлар эса ҳозирги вақтда ҳам илмий даргоҳларда ислом фикҳи бўйича дарсликлар вазифасини ўтамоқда. Бу Мовароуннахрда фикҳ илмининг юзага келиши, ривожланиш босқичлари, йўналишлари, ўзига хос жиҳатлари ва анъаналарини ўрганишга жиддий ёндашиш кераклигини кўрсатмоқда.

Ислом динида энг кўп мурожаат қилинадиган соҳа бу фикҳ илмидир. Фикҳ арабча “тушуниш”, “чуқур англаш” деган маъноларни билдириб, уламолар истилоҳида исломдаги шаръий ҳукмлар баёни яъни, ислом қонунчилигидан тортиб, то одоб-ахлоқ меъёрларини ўз ичига олувчи кенг қамровли илмидир. Бу фаннинг мутахассис олимлари эса ҳақли равишда “фақиҳ” дея номланади.

Ислом фикҳига оид буюк асарлар муаллифи йирик олим, фақиҳ, қози Фаҳрул ислом Паздавӣ (1009-1089) ана шундай фақиҳлар жумласидан бўлиб, унинг “Усул ал-

Баздавӣ” номи билан танилган “Қанзул вусул ила маърифати-л-усул” номли асари ҳанафӣй фикҳида энг эътиборли манба сифатида шуҳрат қозонган. Асарлар тарихи бўйича ёзилган машҳур асар “Қашфуз-зунун”да “Усул ал-Баздавӣй ўзида нодир масалаларни жамлаган аҳамиятли манба. Фақиҳлар унга шарҳ ёзишда гўё мусобақа олиб боришган” дея, зикр этилади ва унга ёзилган ўн бешга яқин шарҳ номи ва муаллифи келтирилади². Яна бир машҳур асар “Муқаддима”да тарихчи ва қози Ибн Халдун (1332-1406) “Усулул фикҳнинг ҳанафӣйлар йўналишида жуда кўп китоблар ёзилган, дастлабки ёзилганлари орасида Абу Зайд Дабусийнинг таълифи энг фойдалиси бўлса, кейинги давр асарлари орасида Сайфул ислом Баздавӣйнинг таълифи энг манфаатлисидир ва у кенг қамровли асардир”³ - дея баҳо беради. Ушбу маълумотлар ҳам асарнинг илмий аҳамияти қанчалик юқори эканидан дарак бермоқда.

Олимнинг тўлиқ исми Абул Ҳасан Алий ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулқарим ибн Мужоҳид Паздавӣдир. Шунингдек, ёзган

¹ Мўминов А. Мовароуннахр ҳанафӣй фикҳи // Имом Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2001. - № 1. – Б. 89.

² Ҳожи Халифа. Қашфуз зунун ан асамил кутуб вал фунун. – Байрут. Дор кутуб ал-илмия, 1992. – Ҷ. 1. – Б. 182.

³ Ибн Халдун. ал-Муқаддима. — Қоҳира: Мактабату ибн Таймия, 1980. – Б. 428.

китобларининг савияси юқори экани ва уларни тушуниш кишида алоҳида маҳорат талаб этгани боис “Абул Уср” (*Қийинчилик отаси*) номи билан шуҳрат топган ва ўз навбатида иниси Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавийнинг ёзган китоблари анча осон бўлганидан унга “Абул Йуср” (*Осонлик отаси*) номи берилган⁴. Бир оиладан етишиб чиққан ака-ука фақиҳларнинг отаси Муҳаммад Паздавий ҳам ўз даврининг машҳур фақиҳларидан ҳисобланиб, фаолияти давомида Самарқанд, Бухоро қозиси мансабида ишлаган. Шунингдек, катта бобоси Абдулкарим ибн Мусо ибн Исо ибн Мужоҳид Паздавий (912-999)⁵ ҳам Абу Мансур Мотуридий (870-944)нинг яқин шогирди сифатида, калом, ҳадис, фикҳ илмларида пешқадам олим бўлгани ишончли манбаларда келтирилмоқда⁶.

“Паздавий” нисбаси эса Насафдан Бухорога кетишда ундан олти фарсах⁷ масофада жойлашган “Пазда” ёки “Базда” кўрғони номидан олинган⁸. Зеро IX асрдаёқ Насаф ва ундан унча узоқ бўлмаган Пазда ва Кеш воҳаларида ҳадисшунослик, илоҳиёт ва фаннинг бошқа соҳаларига оид илмий мактаблар шакллана бошланган ва X-XI асрларга келиб Насаф ҳадис, калом ва фикҳ илмлари бўйича Ўрта Осиёдаги йирик марказлардан бирига айланган эди.

Паздавийлар сулоласининг илмий даврага кириб келиши ва қозилик фаолияти билан яқиндан таниш бўлиши катта бобоси Абдулкарим Паздавийдан бошланган бўлиб, Фахрул исломнинг Паздавий, укаси Абул Йуср Муҳаммад Паздавий (1030-1099), уларнинг

ўғллари Абу Собит Ҳасан ибн Али (470-550/1078-1155)⁹ ва Абул Маъолий Аҳмад ибн Муҳаммад (ваф. 542 й.) Паздавийлар ҳам турли даражадаги қозилик мансабларида фаолият олиб боришган¹⁰. Шунингдек, Фахрул ислом Паздавий Бухоро ва Самарқандда кўп йиллар “садрул ислом” (уламолар раиси) вазифасида ҳам фаолият юритган. Ушбу вазифага олимнинг вафотидан сўнг укаси Садрул ислом Абул Йуср Паздавий муносиб кўрилган.

Фахрул ислом Паздавийнинг устозлари қаторида отаси ва машҳур фақиҳ Шамсул аимма Ҳалавий (ваф. 454/1060 й.) номларигина келтирилади. Шунингдек, Шамсул аимма Сарахсий (1009-1090) билан ҳам ўзаро яқин алоқалар ўрнатгани ва биргаликда илмий фаолият олиб боргани кўшимча қилинади¹¹.

Аллома яна бир муҳим амалий фаолияти талабаларга дарс бериш бўлиб, унинг шогирдларидан бўлган Абу Ҳафс Умар Насафий (1069-1143) Алоуддин Самарқандий (ваф. 539/1144 й.), Абул Маъолий Муҳаммад ибн Наср Маданий (1060-1163), Абул Йуср Муҳаммад Паздавий (1030-1099), Абу Собит Ҳасан ибн Али Паздавий (ваф. 1155 й.) ва Абул Маъолий Аҳмад ибн Муҳаммад (ваф. 542 й.) каби машҳур шахсиятларни келтириш мумкин¹².

Паздавий умринининг охирларида Кеш шаҳрига (баъзи манбаларда Самарқанд яқинидаги Кис шаҳрига) келиб жойлашади ва 482/1089 йили, ражаб ойининг бешинчи санаси, пайшанба кунда вафот этади. Абдулхай Лакнавий Фахрул ислом Паздавий вафот этгач унинг жасади Самарқандга олиб келингани ва у жойда дафн этилгани ҳақида муҳим тарихий маълумотни келтирган¹³. Самарқанднинг

⁴ Тошкўбри Зода. Мифтаху саода. — Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. — Б. 185;

⁵ Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳанафий. Китоб аъламу-л-ахяр. — Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. — Б. 392; Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Китоб ал-Ансоб. — Қоҳира. Мактабату Ибн Таймия, 1980. — Б. 190.

⁶ Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳанафий. Китоб аъламу-л-ахяр. — Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. — Б. 392;

⁷ 5544 м. (3 мил, пиёда ўртача 1.5 соатлик йўл).

⁸ Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. — Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-ўзбекча нашр ҳукуки, 2001. — Б. 167

⁹ Шамсуддин Заҳабий. Тариху-л-ислом. — Байрут: Дорул китоб арабий, 1995. — Б. 219.

¹⁰ Муҳаммад Хузарий. Тарих ат-ташриъул исламий. — Қоҳира: Мактабату ваҳба, 1934. — Б. 362.

¹¹ Ҳамидуллаҳ. Усул ал-фикҳ тарихи. — Истанбул: Ислом тадқиқотлари институти, 1998. — Ж. 2. — Б. 12.

¹² Қаранг: Муҳаммад Солих. Шарху Жомиу-с-сағир таҳқиқи. — Макка: Уммул Қуро университети, 2010. 96-97 б.

¹³ Абдулхай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фий тароҷим ал-ҳанафийя. — Миср: Матбаат ас-саодат, 1324/1906. — Б. 126.

кадимий обидалари тарихига оид ишончли манба “Самария”да муаллиф, тарихчи олим Абу Тохирхўжанинг “Ҳазрати Фахрул ислом Паздавийнинг қабри Самарқанд ўрдаси ичида, вазир масжидининг саҳнасида, Кутби чордахум мозори яқинидадир” дея, келтирган хабари ҳам, юқоридаги сўзимизни қўллаб-қувватлайди¹⁴.

Фахрул ислом Паздавий ўзидан бой илмий мерос қолдирган бўлиб, бизга қадар фикҳ, тафсир ва калом илмларига оид ўндан зиёд, муҳим асарлари етиб келган. Айтиш керакки, уларнинг аксари ҳали ҳануз қўлёзма ҳолида бўлиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Улар куйидагилар:

– “Канзул вусул ила маърифти-л-усул”. Асар “Усул ал-Баздавий”, “Усул кабир” номлари билан машҳур бўлиб, усул ал-фикҳ (*ислом ҳуқуқи назарияси*) фанининг, Ҳанафийлар йўналишида асосий манба ҳисобланади. Шу боис асарга ҳозиргача йигирмадан ортиқ шарҳ ёзилган. Ушбу шарҳлар ҳақида кейинроқ тўхталамиз. Ушбу китоб Паздавийнинг ягона нашр этилган асари бўлиб, 1307/1889 йили Истанбулнинг “Саҳофия Усмония” матбаасида тошбосма нашри амалга оширилган, кейинчалик ушбу нашрнинг копия нусхаси Карачидаги “Мир Муҳаммад” матбаасида чоп этилган¹⁵.

Бугунги кунда “Усул ал-Баздавий”нинг қўлёзма нусхалари дунё китоб фондларида кўплаб мавжудлиги аниқланган¹⁶. Шунингдек, ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам асарнинг учта нодир қўлёзма нусхаси № 1397, № 3112, № 4739 – ашъвий рақамлар билан сақланади¹⁷.

¹⁴ Абу Тохирхожа. Самария. – Тошкент. “Камалак” нашриёти, 1991. – Б. 34; Абдулқодир Қураший. Жа-воҳир ал-музййа фи табакотил-ҳанафийя. – Қоҳира: Ҳижр, 1993. – Ж. 1. – Б.372.

¹⁵ Yusuf Ziya Kavakci. XI ve XII. Asırlarda Karahanlılar Devrinde Mâvâra' al-Nahr İslâm Hukukçuları. – Ankara: Sevinç matbaası, 1976. – Б. 51; Фахру-л-ислом Пазда-вий. Усул ал-Баздавий. – Карачи: Мир Муҳаммад ку-тубхонаси, нашр йили кўрсатилмаган.

¹⁶ Фахрул ислом Паздавий. Усул ал-Баздавий (доктор Саид Бекдош таҳрири остида). – Мадина: Дорус си-рож. 2016. 26-29 б.

¹⁷ ЎзССР фанлар академиясининг шарқ қўлёзмалари тў-плами / А.А.Семёнов таҳрири остида. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1957. Ж. 4. 187-188 б.

– “Шарҳу Жомий ус-сағир”. Асар фикҳ илмига оид бўлиб, мазҳаб имомларидан Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (750-805) нинг “Жомий ус-сағир” номли китобига ёзилган шарҳдир. Маълумки, имом Муҳаммад каламига мансуб олтита асар ҳанафий фикҳининг асосий манбалари ҳисобланади, “Жомий ус-сағир” улардан биридир. Паздавийнинг ушбу шарҳи ҳалигача нашр этилмаган, аммо унинг қўлёзма нусхалари дунё кутубхоналарида кенг тарқалган, жумладан, Туркиянинг “Султон Аҳмад III” номли кутубхонасининг қўлёзмалар фондида учта нусхаси: № 726, 727, 3426 инвентарь рақамлар билан ва “Жоруллоҳ” номли музей-кутубхона фондида иккита нусхаси: № 605, 662 инвентарь рақам билан сақланмоқда¹⁸.

– “Зиёдоту-з-зиёдот”. Ушбу асар ҳам имом Муҳаммаднинг мазкур олтита асари-дан яна бири “аз-Зиёдот”га ёзилган шарҳ бўлиб, фикҳ илмига оид. Умумий ҳажми 208 varaқдан иборат бўлган нодир қўлёзма нусхаси ҳозирда Фотиҳ Сулаймон кутубхонасида №1665 инвентарь рақам билан сақланмоқда¹⁹.

– “Китоб ал-мабсут”. Асар йирик ҳажмли бўлиб, қўлёзма нусхаси ўн бир жилддан иборат бўлиб, унда фикҳий масалаларга мурожаат қилинган²⁰.

– “Заллату-л-қорий”. Асарда намоз ўқувчининг кироат пайтидаги хатолари ва уларнинг ҳукмлари баён этилган. Айни мавзуда муаллифнинг бошқа бир “Фи кироати-л-мусалли ва ма ятааллақу биҳ” номли рисоласи ҳам мавжуд. Ушбу икки китобнинг қўлёзма нусхалари Туркиянинг “Кўпрули” кутубхонасида № 3 инвентарь рақамдаги тўпламида ва Қатарнинг “Дор ал-кутуб” кутубхонасининг № 817 инвентарь рақамида сақланмоқда²¹.

¹⁸ Қаранг: Муҳаммад Солих. Шарҳу Жомий-с-сағир таҳқиқи. – Макка: Уммул Куро университети, 2010. 154-157 б.

¹⁹ Yusuf Ziya Kavakci. XI ve XII. Asırlarda Karahanlılar Devrinde Mâvâra' al-Nahr İslâm Hukukçuları. – Ankara: Sevinç matbaası, 1976. – Б. 51

²⁰ Муҳаммад Мазҳар. Усул ал-фикҳ исломий ва мусанна-фат. – Ж. 3. – Б. 269; Brockelman. GAL. – Ж. 6. – Б. 662.

²¹ Ҳисомиддин Сигнокий. Ал-Кофий шарҳу-л-Баздавий

– “Шарху Таквимул адилла фил-усул” асари. Бу асар Қози Абу Зайд Дабусий (ваф. 430/1039)нинг “Таквимул адилла фи-л-усул” асариға ёзилган шарх бўлиб, усул ал-фикҳга оид замонавий тадқиқотларда ундан кўпгина иқтибос келтирилишидан, қўлёзма нусхалари ҳозирда ҳам мавжуд, деган хулосага келиш мумкин²².

– “Шарху Фикҳ ул-акбар”. Асарнинг биргина қўлёзма нусхаси Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳрида, Малик Абдулазиз Университети кутубхонасида № 1379 инвентарь рақам билан сақланади. Унинг умумий ҳажми 102 саҳифадан иборат. Ушбу асар мазҳаббоши Имом Аъзам (699-767)нинг ақидавий рисоласи “Фикҳул акбар”га ёзилган шарҳдир²³.

– “Амолий”. Асарни Ҳожи Халифа укаси Абул Йуср Паздавийга нисбат берган бўлса-да, кўплаб манбалар Фахрул ислом Паздавий каламига мансуб дейдилар²⁴.

– “Ал-Муяссар фил калом”. Ушбу асар ҳам ақида илмига оид бўлиб, унинг қўлёзмаларидан бири Саудия Арабистони подшоҳлигидаги “Малик Сауд” номли университет кутубхонасида № 2578 инвентарь рақам билан сақланмоқда²⁵.

– “Шарху Мухтасару-л-Қудурий” асари. Асар машҳур фикҳий манба “Мухтасару-л-Қудурий”га ёзилган шарҳдир. Унинг қўлёзмаларидан бири Истанбулдаги “Домодзода” кутубхонасида № 902 инвентарь рақам билан сақланади²⁶.

(Фахруддин Мухаммадсайд таҳқиқи остида). – Риёз: Мактаба Рушд, 2001. – Б. 29.

²² Қаранг: Ҳисомиддин Сигнокий. Ал-Кофий шарху-л-Баздавий (Фахруддин Мухаммадсайд таҳқиқи остида). – Риёз. Мактаба Рушд, 2001. – Б. 29.

²³ Қаранг: Мухаммад Солих. Шарху Жомии-с-сағир таҳқиқи. Макка: Умумул Қуро университети, 2010. 154-157 б.

²⁴ Ҳожи Халифа. Кашфуз-зунун ан асамил-кутуб вал-фунун. – Байрут. Дор кутуб ал-илмия, 1992. – Ж. 1. – Б. 182.

²⁵ Сайид Хусайн Аҳмад. Китоб ал-фаваид ала усул ал-Баздавий таҳқиқи: докторлик диссертацияси. – Макка: Умумул Қуро университети, 2009. – Б. 80.

²⁶ Қаранг: Мухаммад Солих. Шарху Жомии-с-сағир таҳқиқи. Макка: Умумул Қуро университети, 2010. 154-157 б.

Шунингдек, манбаларда Фахру-л-ислом Паздавийнинг “Тафсирул Куръон” (бир юз йигирма жилдлик), “Шарху Жомии-л-кабир”, “Сийрату-л-мазҳаб фи сифати-л-адаб”, “Шарху Жомии-с-саҳиҳ” (Имом Бухорийнинг машҳур ҳадислар тўпламлари “ал-Жомии ас-саҳиҳ”га ёзилган шарх), “Ғиноу-л-фуқаҳо фи-л-фуруъ”, “Кашфу-л-астор фи-т-тафсир” ва “Мухтасару Таквиму-л-адилла” номли асарлари мавжудлиги ҳақида хабар берилган, айримларида улардан иқтибос келтирилган бўлса-да, ушбулар бизгача етиб келмаган²⁷.

Фахрул ислом Паздавийни дунёга танитган асари, шубҳасиз “Усул ал-Баздавий”дир. У ҳанафий усулул фикҳи (*ислом ҳуқуқи назарияси*) нинг энг муҳим манбаси ҳисобланади. Сабаби, унда “фуқаҳо” – ҳанафийлар йўналишида ўзигача ёзилган асарларнинг хулосаси жамланган бўлиб, фаннинг мавзулари ва қоидалари биринчи бор тизимга солинган ва керакли масалалар илова қилинган²⁸. Шунинг учун ҳам Ҳожи Халифа айтганидек, “Забардаст фақиҳлар “Усул ал-Баздавий”га шарҳ ёзишда гўё мусабақалашган”²⁹.

Қувонарлиси мазкур шарҳларнинг аксари бизгача етиб келган. Улардан Ҳамидулдин Али Ромиший Бухорий (ваф. 667/1268)нинг “Ал-Фавоид ала усул ал-Баздавий” номли шарҳи, Ҳусомиддин Хусайн Сигнокийнинг (ваф. 714/1314 й.) “ал-Кофий шарҳул Баздавий” номли шарҳи, Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорий (ваф. 730/1330 й.)нинг “Кашфу-л-асрор ан Усули Фахрил ислом Баздавий” номли шарҳи, Акмалуддин Бобартий Мисрий (ваф. 786/1398)нинг “ат-Тақрир ли усули Баздавий” номли шарҳи, Абулфидо Зайнулдин Қосим ибн Қутлубуғо (ваф. 1474)нинг номли “Тахриж аҳадиси Усул Баздавий” номли

²⁷ Комилов М. Мовароуннахр фикҳ илмининг ривож ва Алоуддин ас-Самарқандий. – Тошкент: Итиқлол 2006. Б. 46.

²⁸ Bedir Murteza (Koca, Ferhat). Eb’ul-U’sr. DİA, 2007. 264-266 б.

²⁹ Ҳожи Халифа Мустафо бин Абдуллох. Кашфуз зунун ан асомиа ал-кутуб вал фунун. – Байрут, Ливан: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2008. – Ж 2. – 559 б.

шарҳлари нашр этилган³⁰. Шунингдек, “Усул ал-Баздавий”нинг қисқартмаси ҳисобланган Ҳусомуддин Ахсикатий (ваф. 644/1246 й.)нинг “ал-Мунтахабул Ҳусомия” номли мухтасари, Абул Баракот Насафий (ваф. 710/1310)нинг “Манорул-анвор” номли мухтасари ҳам бир неча бор нашр этилган³¹. Зикр этилганлардан ташқари яна ўн бешга яқин шарҳ номлари ва уларнинг қўлёзма нусхалари ҳақида “Усул ал-Баздавий”нинг 2006 йили доктор Саид Бекдош томонидан амалга оширилган наشريда танишиш мумкин³².

Умуман олганда, “Усул ал-Баздавий” асари Фахрул ислом Паздавийнинг илмда камолга етган йиллари ёзилган ва ҳаётлик давридаёқ катта шуҳрат қозонган, кўплаб талабалар бевосита китоб муаллифидан ўқиб ўрганишган. Шунингдек, асарни кейинги даврда мадраса ва илмий марказларда дарслик сифатида ўқитилган. Жумладан, асар шориҳларидан Абдулазиз Бухорий³³ “Сарахсдаги “Мадрасатул Аббосия”да устози Фахруддин Муҳаммад Моймарғий (ваф. 751/1351 й.) назоратида “Усул ал-Баздавий” асарини тўлиқ ўқиб чиққанини зикр этган³⁴. “Усул ал-Баздавий” ҳозирда ҳам илмий аҳамиятга эга бўлиб мусулмон оламнинг

нуфузли илм даргоҳларида усул ал-фикҳ фани дарсликлари қаторидан ўрин олган³⁵.

“Усул ал-Баздавий”нинг таркибий тузилиши 5 та бўлим, 88 та катта-кичик фасл (мавзу)лардан иборат. Асар “Анвоу-л-илм” (Илмнинг турлари) ва “Таърифу-л-хос” (Хоснинг таърифи) мазуларидан бошланиб, “ал-Хато ва-л-Иқроҳ” (Хато ва мажбуруланиш сабаб юзага келган ҳаракатлар масаласи) мавзуси билан якунланган. Айрим қўлёзмаларда асар “Аҳлияту-л-адо” (Ижрога лаёқат) ёки “Аҳлият” (Вазифаларга лаёқат) мавзуси билан тамомланади. Хар бир бўлимга, баъзан эса боб ва фаслларга баён этилган мавзунини ифодаловчи номлар берилган³⁶.

Хулоса қилиб айтганда, Фахрул ислом Паздавий ва умуман Паздавийлар сулоласи вакиллариининг ибратли ҳаётларини ўрганиш ва уни омма этиборига олиб чиқиш муҳим маърифий соҳанинг муҳим масалаларидан биридир. Шунингдек, Паздавийлар томонидан ёзиб қолдирилган асарлар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Хусусан, ислом қонунчилигидан тортиб, то одоб-ахлоқ меъёрларигача бўлган мавзуларни ўз ичига олган “Усул ал-Баздавий” асарини унга ёзилган шарҳлар ва тадқиқотлар асосида ўрганиш илм аҳли олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ушбу мақола ҳам бу борада қилинажак ишларнинг дебочаси бўлиб, келажакда асарни замонавий нашрларини амалга ошириш, уни ўзбек тилига таржима қилиш каби кўпгина хайри ишлар билан давом этади деган умиддамиз.

³⁰ Саййид Ҳусайн Аҳмад. Китаб ал-Фавоид. — Макка: Уммул Куро университети, 2010. 916 б; Ҳисомиддин Сифнокий. Ал-Кофий шарҳу-л-Баздавий (Фахруддин Муҳаммадсаййид Муҳаммадқонит таҳрири остида). — Риёз. Мактаба Рушд, 2001. 2596 б; Абдулазиз Бухорий. Кашфул асрор. — Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. 3 жилд, 2221 б; Халаф ибн Муҳаммад ал-Муҳаммад. Таҳқиқи Тақрир ли Усул Баздавий. — Макка шаҳри: “Уммул куро” университети нашриёти, 1997. 345; Муҳаммад Ҳусайн Тожи. Таҳқиқи Таҳриж аҳадиси Усул ал-Баздавий. — Карачи: Марказ улумил исламия, 2004. 403 б.

³¹ Мустафо Саидхон. Таҳқиқи ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий. — Дамашк: Дор Фарфур, 1997. 1312 б; Нуриддин Абул Ҳасан Али Қори. Шарҳ Мухтасарул манор. — Байрут: Дор Содр, 2006. 491 б.

³² Фарул ислом Паздавий. Усул ал-Баздавий (доктор Саид Бекдош таҳрири остида). — Мадина: Дорус сирож, 2006. 26-29 б.

³³ Абдулазиз Бухорий (ваф. 730/1330 й.) “Кашфу-л-асрор ан Усули Фахри-л-ислом Баздавий” номли шарҳ машхур.

³⁴ Абдулазиз Бухорий. Кашфул асрор. — Байрут. Дор кутуб ал-илмийя, 1997. — Ж. 1. Б. 10.

³⁵ Қаранг: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Усулул фикҳ. — Т.: “Hilol nashr”, 2019. — Б.19.

³⁶ Фахру-л-ислом Али ибн Муҳаммад Паздавий. Усул ал-Баздавий. — Карачи: Мир Муҳаммад кутубхонаси, (нашр йили кўрсатилмаган).